ҲАР ТУП ҒЎЗА СОҒЛОМ ЎССИН

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

140 (3082). | Сешанба, 8 июнь 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЖИЛДИРАБ СУВ ОҚАДИ

Умарали ота Ҳолматов бир кам етмишга кирди. Умрининг эллик йилдан кўпроғини сувчилик касбига бағишлади. Ҳозир у Янгийўлдаги Киров номли колхознинг пахта пайкалларига сув тараяпти.

— Сувчининг иши ҳам санъат, — дейди Умарали ота, — шу санъатни пухта эгаллаб олган деҳқонгина ғўзасини яшнатади, кузакда мўлжаллаган хирмонини кўтара олади. Мен бунга ўзимнинг кўп йиллик тажрибамда амин бўлдим. Ғўза суғориш жуда мозик иш. Ҳар бир пайкални суғораётганда бошқа-бошқача иш тутиш керак бўлади. Масалан, айтайлик, бир пайкал жуда катта. Шунга жўякнинг бир бошидан сув қўяверсангиз этак томон ҳали сув ичмасидан туриб қулоқ томон захлаб кетади. Шунинг учун икки-уч ердан бўлиб, ўқариқ олиб суғорилса ҳамма ер бир текис қониб сув ичади. Агар ер қия бўлса сувни зинҳор тез оқизиб бўлмайди. Самоварнинг жўмрагидан оқизгандай қилиб оқизсангиз, ғўза сувга яхши қонади.

Умарали ота ғўза суғоришнинг ҳавосини олган деҳқонлардан. Шунинг учун ҳам ҳозир у сув қўяётган пайкалларнинг ғўзаси колхознинг олди ғўзаси бўлиб турибди. Усимлик бир текис шоналаяпти.

Колхозда Умарали отага ўхшаган миришкор сувчилар кўп. Абдураҳмат ота Шералиев, Тожи ака Қўлдошев, Аҳмад Жўраев, Темирали Сиддиқов, Қосим Азимов, Қобилжон Далибоев, Райим Матқобулов ва бошқа кўплаб ўртоқлар шу кеча кундузда хўжаликнинг барча пайкалларидаги ғўзаларни иккинчи марта қондириб суғоряптилар.

— Колхозимизда суғориш ишлари икки сменада ташкил этилянти, — дейди колхоз раиси Султон Шерматов, — бу ишга 82 кишини жалб этганмиз. Уларнинг ҳаммаси Умарали отага ўхшаган миришкорлардир. Сувчиларимиз ўзларига топширилган вазифани сидқидилдан бажараётганликлари учун ҳам ҳамма майдонларимизда ғўза серавж бўлиб ўсмоқда. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти сувчиларга ҳамма зарур шарт-шароитни муҳайё қилган.

Бу йил колхоз деҳқонлари пахта ҳосилдорлигини камида 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Ана шу курашда хўжаликнинг миришкор сувчилари асосий роль ўйнамоқдалар.

Л. ЎРИНБОЕВ.

Оржоникидзе райони даги «Правда» колхозининг ўртоқ Б. Тошметов бошлиқ участкасида ғўзаларга сув бериш илғор агротехника талаблари асосида олиб борилмоқда. Сувчилар ўзларига топширилган ишни сидқидиллик билан бажаришмоқда. Айниқса, ўртоқ Назар Усмонов ғўзани қондириб суғоришда бошқаларга ўрнак бўляпти. Суратда: ўртоқ Н. Усмонов иш устида.

● ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАМЛАР БОШЛАНДИ. ● **ҲАР ТУП ҒЎЗАДА КЎПЛАБ ШОНА ТУПЛАЙЛИК.** БИРОР ТУП ҒЎЗА ҲАМ ЧАНҚАБ ҚОЛМАСИН. ● **БОР КУЧАТНИ ТЎЛА САҚЛАБ ҚОЛИШ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ТУРСИН.** ● ҒЎЗАНИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИ БАРВАҚТ ТУГАЛЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК.

ЭЛГА ХИЗМАТ— ОЛИЙ ҲИММАТ

Элимизда меҳнат завқи дарёдек жўш урмоқда. Ишчи забардаст етти йиллигимизни зафарли якунлаш учун ғайрат ва шижоат кўрсатяпти. Олим фанимизнинг янги чўққиларга парвоз этиши йўлида тинимсиз ижод қилмоқда. Табиат наққоши деҳқон эса далалар ҳуснига ҳусн қўшиб, эл-юрт дастурхонини ноз-неъматларга безаш иштиёқида меҳнат қилаётир. Яшил квадратлар, поёни йўқ қаторларда ям-яшил гуркираб ётган экинлар кўзингизни қувонтиради. Миришкорлар ҳар бир далада, ҳар бир картада, ҳар бир қарич ерда мўл ҳосил етиштириш учун зўр ғайрат кўрсатмоқдалар.

Коммунистик мўл-кўлчиликни яратиш йўлида ҳормай-толмай ишлаётган халқимиз ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, шаҳар ва қишлоқларда аҳолига намунали маданий-маиший хизмат кўрсатиш — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бутун жамоатчиликнинг жонажон ишидир.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг турмуш шароитини йилдан-йилга яхшилаб бориш, қишлоқларда яхши жиҳозланган клуб ва кутубхоналар, мактаб ва магазинлар, турли маданий маиший корхона ва муассасалар бўлишига эришиш барча партия ва совет ташкилотларининг диққат марказида бўлишини алоҳида уқтириб ўтди. Тошкент область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг «Турмуш маданиятини ошириш, ўтмиш сарқитларини тугатиш — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шартидир» деб чиқарган қарори Октябрь ва Юқори Чирчиқ районларида қандай бажарилаётгани тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бу районларда, шунингдек областнинг бошқа район ва шаҳарларида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан бирмунча ишлар қилинаётган бўлса ҳам, лекин ҳали бу соҳада катта камчиликлар бор.

Ҳозир далаларда ишнинг айни қизғин палласи. Дала меҳнаткашлари учун зарур шароитларни яратиб бериш билан биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл-кўл ҳосил олишга катта ҳисса қўшган бўламиз.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозларининг ва бошқа кўпчилик қишлоқларнинг қиёфаси йилдан-йилга ўзгариб, обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Калинин районидаги Ленин номли колхоз қишлоғининг бугунги жамоли кишини қувонтиради.

Аҳолининг маданий-маиший хизмат кўрсатишга бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқни клуб, кутубхона ва кинотеатрсиз тасаввур этиш қийин. Ҳар бир қишлоқда ошхона, магазин, сартарошхона ҳаммом ва бошқа шу хил маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари бўлиши зарур. Хонадонлар телевизор, радиоприёмник, кир ювиш ва тикиш машиналари ва бошқа уй-рўзғор буюмларини кўплаб олмоқдалар. Қишлоқ аҳолисининг маданий ҳаёти тобора яхшиланиб боряпти.

Бироқ, шундай жойлар ҳам борки, у ерларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларига тегишлича эътибор билан қараламайди.

Айрим колхозларда маданий-маиший муассасалар учун янги бинолар қурилишига маблағлар ажратилади, қурилиш ташкилотлари билан шартномалар ҳам тузилади. Лекин бу шартномалар кўпинча қоғозда қолиб, қурилиш ишлари чўзилиб кетади. Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозида типовой клуб биноси қурила бошлаган эди. Лекин клуб қурилиши чўзилиб кетиб, бошланган иш чала қолди. Дзержинский номли колхоз клуби эса кўпдан буён қаровсиз аҳволда. Бу ерда ремонт ишлари билан ҳеч ким шуғулланмайди.

Жазирама ёз фасли бошланди. Ҳозир ҳамма далага чиққан, ҳамма ҳосилга-ҳосил қўшиш иштиёқи билан банд. Қишлоқ аҳолиси далада ишлаб, далада ҳордиқ чиқараётган ҳозирги вақтда ўлар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш биринчи даражали вазифадир. Савдо ташкилотлари, маданият ходимлари қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишни ҳар қачонгидан ҳам кучайтиришлари зарур. Бунинг учун кўчма дўконлар, кутубхона, кино ва бошқа маданий-маиший объектларни бевосита далага чиқариш керак.

Қишлоқ аҳолисининг талабини ҳисобга олиш ва унинг эҳтиёжларига қараб иш тутиш айниқса савдо ходимларининг муқаддас бурчидир. Областимиз қишлоқларида намунавий савдо тармоқлари кўп ва уларнинг ишчан коллективлари хизматидан харидорлар мамнун. Аммо ўз ишига ҳафсаласизлик билан қараб келаётганлар ҳам йўқ эмас. Қишлоқ жойлардаги кўпчилик озиқ-овқат ва саноат моллари магазинларида аҳоли учун кераксиз буюмлар ва моллар уюлиб ётади. Савдо ходимлари харидорлар талабини ҳисобга олмайдилар, керакли молларни келтиришда ташаббус кўрсатиб ишламайдилар.

Аҳолининг маданий-маиший турмуши ҳақида ғамхўрликни кучайтириш лозим. Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда жамоатчилик контролини кучайтириш дуруст натижа беради. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари аҳоли ўртасида иш олиб бораётган маданий-муассасалар ва савдо ташкилотлари ходимлари ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни янада кучайтиришлари зарур.

Далаларда фидокорона меҳнат қилаётган колхозчилар, совхоз ишчилари учун маданий-маиший хизматни ҳар қачонгидан ҳам яхшилайлик!

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Шу кеча-кундузда областимиз илғор хўжаликлари пилла тайёрлаш давлат планини бажарганликлари ҳақида бирин-кетин ғалаба рапортлари бермоқдалар. Куни кеча Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз пиллачилари маррага етдилар. Тайёрлов пунктига 7650 килограммдан ортиқ аъло сифатли пилла етказиб берилди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз аъзолари эса 4027 килограмм пилла топшириб, планни ортиғи билан адо этдилар.

Райондаги «Полярная звезда», Энгельс номли ва Свердлов номли колхозларнинг пиллачилари ҳам планни бажариш арафасида турибдилар.

Янгийўлдаги «Шарқ юлдузи» колхозининг «кумуш тола» соҳибкорлари ҳам катта ютуқни қўлга киритдилар. Ҳозиргача пландаги 11 минг 650 килограмм ўрнига 12100 килограммдан ортиқ юқори сифатли пилла етказиб берилди. Колхознинг С. Йўлдошева, Б. Мансурова сингари пешқадамлари ҳар қути пилла уруғидан 100—125 килограммдан ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Колхоз пиллачилари ўз зиммаларига пландан ташқари яна 2 минг килограмм пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарган қуйидаги хўжаликлар области «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»ГА ёзиладилар:

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ленин номли колхоз (раиси **Ғ. Умаров**, партия ташкилотининг секретари **Н. Султонов**, агротехник **Т. Рихснева** ўртоқлар) колхоз 6 минг ўрнига 6 минг 168,9 килограмм пилла сотиб, планни 102,8 процент қилиб бажарган.

«Тошкент» совхози (директори **А. Қўзиев**, партия ташкилотининг секретари **К. Худойбердиев**, агроном **С. Пўлатов** ўртоқлар). Совхоз 6200 ўрнига 6227 килограмм пилла сотиб, планни 100,4 процент бажарган.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Жданов номли колхоз (раиси **И. Ортиқбоев**, партия ташкилотининг секретари **Х. Тўйсенов**, агротехник **М. Хиётов** ўртоқлар). Колхоз 4000 килограмм ўрнига 4312 килограмм пилла сотиб, планни 107 процент бажарган.

ДАВЛАТГА ПИЛЛА ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1965 ЙИЛ 7 ИЮНГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунлик	Мавсум бошидан бери
Калинин	2,7	88,0
Бекобод	3,6	76,8
Оржоникидзе	5,2	72,2
Бўка	5,2	69,4
Оққўрғон	4,5	67,8
Янгийўл	7,3	62,9
Ўрта Чирчиқ	6,6	59,9
Юқори Чирчиқ	12.4	42,5
Область бўйича	5,4	69,7

АҲОЛИГА КЎПЛАБ СУТ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

Калинин райони колхоз ва совхозларининг сут етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан белгилаган тадбирлари

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети Калинин райони колхоз ва совхозларининг сут етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан белгилаган тадбирларини кўриб чиқди ва маъқулладн.

Ўзбекистон КП область комитети район партия комитетларига барча колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларида, чорвадорлар ўртасида ана шу тадбирларни муҳокама қилиш ва сут етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш вазифасини топширди.

Калинин районининг колхозчилари, совхоз ишчилари, зооветеринария мутахассислари 1964 йилда сут, гўшт, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва уни давлатга сотиш юзасидан берилган планларни тўла адо этдилар. Район хўжаликлари ўтган йили сут етиштиришни аввалги йилдагига қараганда 10 процентга кўпайтирдилар ва ҳар бир бош сигирдан ўрта ҳисобда 2110 килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар.

Сут етиштиришни кўпайтириш бўйича «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг чорвадорлари энг юксак кўрсаткичларга эришдилар. Хўжаликда ҳар бир сигирдан ўртача 3840 килограммдан, жами 810 тонна сут соғиб олинди ва йиллик план 107 процент қилиб бажарилди. Ҳар бир бош сигирдан 3517 килограммдан сут соғиб олган Карл Маркс номли, 2398 килограммдан сут соғиб олган генерал Раҳимов номли колхозларнинг чорвадорлари ҳам етти йиллигининг олтинчи йилини қувончли натижалар билан якунладилар.

«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг илғор сут соғувчиси Инобат Исҳоқова машинада сут соғишнинг устаси ҳисобланади. У ўзига биркитилган 99 бош сигирнинг ҳар биридан ўртача 3995 килограммдан сут соғиб олди. Карл Маркс номли колхоздан Озода Мирзааҳмедова 15 бош сигирнинг ҳар биридан 5263 килограммдан, Малика Раҳимова эса 14 бош сигирнинг ҳар биридан 3125 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга муваффақ бўлди.

Калинин районининг чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан илҳомланиб, ўз олдиларига чорвачилик маданиятини кескин даражада юксалтириш ва шу йилнинг ўзидаёқ чорвачилик маҳсулотларини, биринчи навбатда сут етиштиришни кўпайтириш вазифасини қўйдилар.

Илғор хўжаликлар ва чорвадорларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, бизнинг районимизда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун катта резервлар мавжуд. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, 1965 йилда 12147 тонна сут етиштириш, унинг 9885 тоннасини давлатга сотиш ва йиллик планни 20 декабрга қадар бажаришга қатъий қарор қилдик.

Олдимизда турган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги тадбирлар белгиланди:

молларни боқиш ва озиқлантириш яхшиланади. Ҳар бир бош сигирдан кам деганда 2115 килограммдан сут соғиб олишга эришиладн.

Йил охирига қадар сигирлар сони 5880 бошга етказилади. Бу жами қорамолларнинг 40 процентини ташкил этади.

Кейинги йилларда сигирлар сонини кескин даражада кўпайтириш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда 1965 йилда камида 1100 бош бузоқ ажратиб олиб, алоҳида парвариш қилинади.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилади. Ҳар гектар ердан кам деганда 86 центнердан беда пичани, 500 центнердан силосбоп маккажўхори кўкпояси, 400 центнердан хашаки илдизмевалар олинади. Ҳамма хўжаликларда ем-хашакни молларга беришдан олдин махсус тайёрлаш — майдалаш, бўғлаш, ҳимявий моддалар билан ишлаш, ачитқи қўшиш, озуқа аралашмалари тайёрлаш ташкил этилади. Микроэлементлар, биоген стимуляторларидан янада кенгроқ фойдаланилади, гидропон усулида кўк озуқалар етиштириш кўпайтирилади. Хўжаликларда қўшимча равишда 6 та озуқа цехи қуриб ишга туширилади. Молларнинг маҳсулдорлиги ҳисобга олинган ҳолда озиқлантириш яхши йўлга қўйилади.

Товар сутни кўпайтириш ва бузоқларни озиқлантиришни яхшилаш мақсадида ҳамма хўжаликларда сутнинг ўрнини босадиган бошқа суюқ озуқалар тайёрлаш ташкил этилади. Микроэлементлар, биоген стимуляторларидан янада кенгроқ фойдаланилади, гидропон усулида кўк озуқалар етиштириш кўпайтирилади. Хўжаликларда қўшимча равишда 6 та озуқа цехи қуриб ишга туширилади. Молларнинг маҳсулдорлиги ҳисобга олинган ҳолда озиқлантириш яхши йўлга қўйилади.

Ҳамма фермаларда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилади. Меҳнатга натура билан ҳақ тўлаш учун пландан ташқари соғиб олинган сутнинг 50 процентн ажратилади. Бу йил 8 хўжаликда, 1966 йилда эса ҳамма хўжаликларда сут соғувчилар ва молбоқарларнинг меҳнатига соғиб олинаётган сутнинг мойлилиги ва сифатига қараб прогрессив усулда ҳақ тўлашга ўтилади.

Сигирларнинг қисир қолишига йўл қўймаслик мақсадида ҳамма моллар мунтазам равишда зооветеринария қаровидан ўтказиб турилади. Молларнинг зотини яхшилаш учун ҳамма колхоз ва совхозларда сунъий қочириш кенг жорий этилади. Бу йил соф зотли элита буқалари билан кам деганда 4800 бош сигир ва ғунажин қочирилади. Бешта хўжаликда профилакторийлари бўлган сигир бузоқлайдиган махсус бинолар қурилади ва жиҳозланади.

Ҳамма хўжаликларнинг фермаси қошида лабораториялар ташкил этилади ва улар зарур инвентарлар, материаллар, асбоб-ускуналар, реактивлар, дизенфекция қилувчи моддалар билан таъминланади. Биринчи ярим йилликнинг охирига қадар ферма ходимлари махсус кийимларнинг йиллик комплекти билан таъмин этилади.

Йил давомида қўшимча равишда ўнта ферма сут совутадиган ва тозалайдиган, сув иситадиган установкалар, пастеризаторлар билан жиҳозланади; учта фермада гўнгни йиғиш механизациялаштирилади, бешта фермада гўнгхона қурилади, тўртта хўжаликда қорамолларни ювадиган душ установкалари, чўмилтириш ваннаси қурилади, тўртта хўжаликда эса ДА-3 ва ДА-6 «тандем» установкаларида сут соғиш ташкил этилади.

«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг сутчилик фермасида район сутчилик фермалари ходимларининг семинари ўтказилади, унда аъло сифатли сут етиштириш ва ветеринария-санитария шартларига риоя қилиш методлари ўргатилади.

Район чорвадорлари ҳар бир хўжалик бўйича сутнинг ўрнини босадиган озуқалар тайёрлаш, сигирларни сунъий қочириш юзасидан зарур тадбирлар белгиладилар.

Районда сутнинг ўрнини босадиган 2477 тонна озуқа тайёрланади, 1100 бош ғунажин қочирилади, 4800 бош сигир сунъий равишда қочирилади, 4955 бош бузоқ олинади.

Калинин районининг хўжаликларида 6 та озуқа цехи, 5 та туғруқ бўлимаси, 10 та холодильник установкаси, 5 та ғўнгхона ва 4 та душ установкаси қурилади.

ЮКСАК НОМ ЭГАЛАРИ

ОҚҚЎРҒОН («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Коммунистик меҳнат мусобақасида юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун Таласбой ғазатов бошлиқ участкага коммунистик меҳнат коллективи номи берилди.

Яқинда Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози правлениеси ва партия бюроси ана шундай қарорга келди. Ўртоқ ғазатов бошлиқ участканинг пахтакорлари 210 гектар ерга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан чигит экишган. Участка аъзолари ҳар гектар ердан мўл ҳосил етиштириш учун курашаётирлар. Участкада учта звено ташкил қилинган. Шулардан бири Пўлат Тошхўжаев бошлиқ звено аъзолари 47 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнер ҳосил етиштириш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозир участкада ғўзалар меҳр билан парвариш қилиниб, талабига қараб сув бериляпти. Пахтакорлар озиқлантиришни барвақт ўтказиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солишган. Қатор оралари икки марта ишланди, бегона ўтлар қириб ташланди. Деҳқонлар ғўзани ёппасига шонага киритишга ҳаракат қилмоқдалар. Хошим Ғаффоров, Нуриддин Кўчиев, Оқимберди Шамсиддинов каби сувчилар зўр маҳорат билан ишлаб, юксак номни амалда оқламоқдалар.

Районда коммунистик меҳнат коллективи унвони олган бундай участка ва звеноларнинг сони 30 дан ошади. Карл Маркс номли колхоз правлениеси ва партия ташкилоти Қўчқор Умаров, Холиқул Хожиқулов ўртоқлар бошлиқ комплекс механизациялаштирилган звеноларга ҳам коммунистик меҳнат коллективи деган юксак унвон берилди. Деҳқонлар илғор агротехника фани ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиб, пахтачиликни ривожлантиришда иш маданиятини яна ҳам юксалтиряптилар.

Ўртоқ У. Қурбонов раҳбарлик қилаётган участка Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг юқори ҳосилли участкаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ғўзага ишлов бериш яхши йўлга қўйилганлиги сабабли экин яхши ўсиб, эрта ҳосилга киряпти. Қатор ораларига ишлов беришда комсомол аъзоси ўртоқ Тошпўлат Марасуловнинг ҳам ҳиссаси катта. У озиқлантириш ва культивацияни бир-бирига қўшиб олиб боряпти. Суратда: ўртоқ Т. Марасулов ғўзаларга ишлов беряпти.

А. Абалян фотолари.

ДЎСТЛИГИМИЗ БОҚИЙ

Ўзбекистондаги қувончли ёшлик байрами — Совет Иттифоқи ёшларининг республика комсомоли 40 йиллиги шарафига ўтказилган Дўстлик ҳафтаси қувноқ қўшиқлар, шод-хандонлик билан ўтди.

Шу кунларда меҳмондўст ўзбек элида кўпгина унутилмас учрашувлар бўлди. Шаҳар ва қишлоқларнинг йигит ва қизлари Москва, Ленинград, Иваново области ва барча иттифоқдош республикалар комсомолларининг вакилларини самимий табрикладилар.

Мирзачўлга қилинган сафар иттифоқдош республикалардан келган дўстларда катта таассурот қолдирди. Совет кишиларининг қўли билан обод қилинган Мирзачўл СССР халқлари улуғ дўстлигининг чинакам тимсоли бўлиб қолди. Дарҳақиқат, жасур чўлқуварларнинг сафларида сал кам эллик миллатнинг фарзандлари бор.

Республика комсомолининг меҳмонлари Тошкентга қайтиб келганларидан сўнг, бешинчи июнда Дўстлик ҳафтасининг ёпилишига бағишлаб ўтказилган кўп кишилик митингда қатнашдилар. Митингни Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Х. Абдуллаева очди. Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Т. Орипов, «Ташсельмаш» заводининг инженери С. Жайсанбеков, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студенти М. Содиқова, Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз аъзоси Х. Ортиқов республика пойтахтининг йигит ва қизлари номидан азиз меҳмонларга Ўзбекистон ёшларининг тантаналарида қатнашганликлари учун қизғин миннатдорчилик билдирдилар. Жонажон Коммунистик партиянинг содиқ ва ишончли ёрдамчилари бўлган республика комсомоллари билан ёшлари, — дейишди улар, — энг эзгу ишга — коммунизм қурилишига ўзларининг бутун кучларини, ёш қалбларининг бутун ҳароратини бағишлайдилар.

Дўстлигимиз боқий бўлсин! — барча нотиқларнинг нутқлари ана шу фикр билан суғорилган бўлди.

Меҳмонлардан Ленинград шаҳар комсомол комитетининг секретари Г. Пахомова, Озарбайжон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ализода, Тожикистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Бобосодиқова, Литва делегациясининг раҳбари, ёшлар газетасининг редактори И. Цивилкайте, Украина ёшлар журналининг редактори Б. Олейникнинг нутқларини митинг аҳли самимий кутиб олди. (ЎзТАГ).

Э. ГЕРХАРДСЕН ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Норвегия бош министри Эйнар Герхардсен ва унинг ҳамроҳлари 6 июнда Тошкентдан жўнаб кетишди.

Аэродромда узатиб қолиш вақтида Норвегия, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари кўтарилди. (ЎзТАГ).

КОН ШАҲРИ ҲУСН ОЧМОҚДА

Меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон шаҳар Совети ижроия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш йўлида муҳим тадбирлар кўрмоқда.

Шаҳримиз бинокорлари уй-жой ва маданий-маиший биноларнинг қурилишини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. 1964 йил ва шу йилнинг биринчи кварталида мобайнида 17560 квадрат метр ҳажмда турар-жой биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Шундан 142 квадрат метри белгиланган планга қўшимчадир. Кўрсатилган вақт ичида 964 ўринли мактаб қурилди. 320 ўринга эга бўлган мактаб биноси ремонт қилинди, 400 ўринли кинотеатр, 100 ўринли болалар боғча-яслиси ишга туширилди. Маъмурий бошқарув бинолари бўшатиш ҳисобидан 225 ўринли болалар комбинати очилди.

Шахтёрлар, бинокорлар ва бошқа касб эгаларига маданий хизматни яхшилаш мақсадида Янги шаҳарда маиший хизмат кўрсатиш комбинати очилди. Бу комбинат замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, кийимларни кимёвий усулда тозалайдиган цех ишлаб турибди.

Шаҳар меҳнаткашларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб суратлар галереяси, шаҳар ЗАГСи, ўқув комбинати, телевизион ателье, алоқа бўлимлари, дорихона ва бошқа тоҳчалар учун қўшимча бинолар ажратилди. Ҳозир бу бинолар шаҳар аҳолисининг хизматида.

Жамоатчилик активи, депутатлар аҳолига маданий-маиший хизмат сифатини яхшилашда ёқиндан ёрдам бераётирлар. Жамоатчилик йўли билан 25 гектар майдонга эга бўлган шаҳар парки қурилмоқда. Эрта баҳорда бу паркка юз мингдан ортиқ ҳар хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Шаҳар кўчаларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича белгиланган ишлар қизғин давом этаётир. Баҳорги кўчат ўтказиш ойлиги яхши ўтди. Планда 66 минг туп кўчат экишни кўзда тутган эдик. Жамоатчилик бу муҳим масалага сидқидилдан қараб, 130 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XIII пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш юзасидан 1965 йилда қилинадиган ишларимиз режаси шаҳар Советининг биринчи сессиясида кенг муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Бу тадбирларга кўра шу йили 138 минг квадрат метр ҳажмдаги йўлга тош-шағал, 120 минг квадрат метр йўлга асфальт ҳамда бетон ётқизиш ва капитал ремонтдан чиқарилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари 18 минг квадрат метр ҳажмдаги тротуарлар капитал ремонтдан чиқарилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ жамоатчилик йўли билан 20 минг кубометрдан ортиқроқ шағал ташилди. 22 минг квадрат метр кўчага асфальт ётқизилди.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг «Кўчаларни ремонт қилиш тўғрисида»ги тадбирлари барча автомобиль хўжаликлари коллективларида муҳокама қилинди. Ҳар бир шофер ишдан кейин бир машина шағал ташиб бериш, шанбалик ва якшанбаликларда актив қатнашиши юзасидан мажбурият олган.

Жамоатчилик асосида стадион ва чўмилиш ҳавзаси қурилмоқда. Шу кунгача 12 минг кубометр ҳажмда ер ишлари бажариб қўйилди. Стадион ва ҳавза қурилишида 3 мингга яқин комсомол аъзоси ва шаҳардаги ёш спортчилар иштирок этишмоқда.

Оҳангаронни областимиздаги энг гўзал ва обод шаҳарлардан бирига айлантириш учун ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Шаҳарни ободонлаштириш соҳасида ўзимизга боғлиқ бўлмаган, лекин ҳал этилмаётган масалалар ҳам бор.

Тошкент-Қўқон йўли 1960 йилда фойдаланишга топширилган эди. Аммо республика автомобиль транспорти ва тошйўллар министрлиги (министри ўртоқ Стрельцов) Оҳангарон шаҳри орқали ўтадиган бу йўлнинг бир қисмини қуриш масаласини ҳалигача ҳал қилгани йўқ. Шунингдек, республика Алоқа министрлиги (министри ўртоқ Йўлдошев) шаҳримизда телефон алоқасини янада яхшилаш юзасидан зарур ёрдам кўрсатмаяпти.

Шаҳримизни гўзал ва обод қилиш, меҳнаткашларга маданий ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг ишини янада яхшилаш учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишимиз керак.

А. ГУЛОМОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Олтинтовган қўрғошин-рух комбинатига қарашли сульфат кислотаси цехи янада кенгайтирилмоқда.

Суратда: қурилишнинг илғор монтажчиси Фотиҳ Салохов. У технология асбоб-ускуналарини ўрнатиш юзасидан смена топшириғини бир ярим бараварга етказиб бажаряпти.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

ИЗЛАНИШ САМАРАЛАРИ

Комбинатимизнинг кўп минг кишилик коллективи КПСС Марказий Комитети март Пленумининг тарихий қарорларига жавобан иш суръатини кун сайин тезлаштирмоқда.

Бу соҳада ишлаб чиқариш новаторлари эришаётган ютуқлар тақдирга сазовордир. Рационализатор ва ихтирочиларимиз иш жараёнларини такомиллаштириш, илғор усулларни жорий қилиш, агрегатлар қувватидан тўла фойдаланишга қаратилган кўплаб таклифлар билан чиқишмоқда. Ўтган йили уларнинг ташаббуси билан 750 га яқин новаторлик таклифи амалга оширилди. Бунинг эвазига 420 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилди. Комбинатда 5 миллион 720 минг киловатт-соат электр қуввати, 400 га яқин ишчи куни, 14 минг кубометр табиий газ тежаб қолинди. Пландагига қўшимча бир неча минг тонна каталитахассис битириб чиқди. Ҳозир ҳам кўпгина ишчилар бу ерда ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

— Шу йилнинг бошларида малака ошириш курсларини юздан ортиқ инженер-техник ходим муваффақиятли тугаллаб чиқди, — дейди корхона техника таълими бўлими бошлиғи Борис Аркадьевич Гантовник. — Май ойида эса цех бошлиқларининг малака ошириш курслари иш бошлади. Бу ерда 70 киши таълим олмоқда.

Утган йили саратовлик машинасозлар бошлаган ташаббус «Ташсельмаш» заводи цехларида ҳам кенг қанот ёймоқда. Ҳозир кўпчилик участкаларда тайёрланаётган деталлар биринчи кўрсатишдаёқ техника контроли бўлимлари томонидан қабул қилиб олинмоқда. Бу методни яна ҳам кенг кўлланиш мақсадида корхонада махсус курс ташкил этилган. Бу курсларни ҳозиргача 67 мастер, 54 цех бошлиғи ва ўринбосари битириб чиқди.

Л. ЗАДОРОЖНАЯ.

ЮҚОРИ МАЛАКА — ИШГА БАРАКА

«Ташсельмаш» заводида ҳар уч ишчидан бири ўқияпти. Инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш командирлари кун сайин ўз малакаларини оширмоқдал а р. Корхонанинг ўз техникуми ва кечки ишчи-ёшлар мактаби бор. Кенг, ёруғ аудиториялар, керакли приборлар ва ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар, махсус кабинетлар билим олишга отланган ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Сўнгги бир неча йил ичида техникум ни уч мингдан ортиқ мутахассис битириб чиқди. Ҳозир ҳам кўпгина ишчилар бу ерда ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

— Шу йилнинг бошларида малака ошириш курсларини юздан ортиқ инженер-техник ходим муваффақиятли тугаллаб чиқди, — дейди корхона техника таълими бўлими бошлиғи Борис Аркадьевич Гантовник. — Май ойида эса цех бошлиқларининг малака ошириш курслари иш бошлади. Бу ерда 70 киши таълим олмоқда.

Утган йили саратовлик машинасозлар бошлаган ташаббус «Ташсельмаш» заводи цехларида ҳам кенг қанот ёймоқда. Ҳозир кўпчилик участкаларда тайёрланаётган деталлар биринчи кўрсатишдаёқ техника контроли бўлимлари томонидан қабул қилиб олинмоқда. Бу методни яна ҳам кенг кўлланиш мақсадида корхонада махсус курс ташкил этилган. Бу курсларни ҳозиргача 67 мастер, 54 цех бошлиғи ва ўринбосари битириб чиқди.

Л. ЗАДОРОЖНАЯ.

Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда фақат ўзаро қўллаб-қувватлаш, барча революцион, антимонополистик кучларнинг яқин бирлиги, аввало халқаро коммунистлар сафининг бирлигигина империалистлар ҳийла-найрангини фош қилиши ва бунинг олдини олиши мумкин. Империалистик реакция, деб таъкидланади Баёнотда, коммунизмга қарши кураш учун ўз кучларини бирлаштираётган бир шароитда жаҳон коммунистик ҳаракатини бутун чоралар билан жипслаштириш айниқса зарурдир. Бирлик ва жипслик ҳаракатимизнинг бир кучига ўн куч қўшади ва коммунизм улуғ ишининг олға қараб голибона ҳаракат қилиб боришн ва душманлар томонидан қилинадиган ҳар қандай ҳужумларни даф қилишда муваффақият қозонишнинг мустаҳкам гарантиясини вужудга келтиради.

1960 йилги халқаро коммунистлар форумида коммунистик ва ишчи партиялар айтуал проблемаларни муҳокама қилиш, бир-бирларининг фикр ва позицияларн билан танишиб чиқиш ҳамда умумий мақсад йўлидаги курашда биргалашиб қилинадиган ҳаракатни мослаштириш ва ягона қарашларни ишлаб чиқиш зарурияти бўлган тақдирда халқаро кенгаш, икки ёки кўп партиялар учрашувлари ва консультациялар ўтказишни назарда тутилган эди.

Шунга кўра, 1965 йил 1—5 мартда Москвада 19 қардош партия вакилларининг маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари халқаро коммунистик ҳаракатнинг асосий йўли тўғрисида Декларация ва Баёнотда айтилган фикрларнинг ҳаётий эканлигини тасдиқладилар. Учрашув қатнашчилари коммунистик партияларни бирлаштириб турган нарса ҳозирги пайтда уларни ажратиб турган нарсадан анча кучлироқ, деган хулосага келдилар.

Шунингдек, учрашув қатнашчилари ўз партияларининг иродасини аниқ ифодалаб, мавжуд қийинчиликлар ва ихтилофларни бартараф қилиш, ишчилар синфининг буюк идеаллари учун коммунистларни бирлаштириш, умумий душманга қарши биргаликда кураш олиб бориш йўлини тутиш истагини билдирдилар. Маслаҳат учрашуви қатнашчилари ҳозирги шароитда барча революцион кучларни — социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари, миллий-озодлик ҳаракати ва халқаро ишчилар синфини жипслаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деган фикрга қўшилдилар. Жаҳон коммунистик ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш ана шундай жипсликнинг зарур шарти ва асосидир. Коммунистлар орасидаги ҳозирги ихтилофлар уларнинг жипслигини заифлаштириб, коммунизм ишига зарар етказадики, бу қардош партияларнинг, айниқса капиталистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ахборотда айтилганидек, учрашув қатнашчилари ана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, ўз партияларининг халқаро коммунистик ҳаракатни жипслаштириш учун, унинг бирлигини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми асосида, 1957 йил Декларацияси ва 1960 йил Баёнота асосида мустаҳкамлаш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга қаттиқ бел боғлаганликларини билдирдилар.

Марксизм-ленинизм таълим беради, бир партиянинг иродасини иккинчи партияга зўрлаб қабул қилдириш йўли билан ҳам, у ёки бу партияда унинг ўз сиёсий йўлидан қайтишни талаб қилиш йўли билан ҳам бирликка эришиб бўлмайди. Мавжуд қийинчиликларни бартараф қилишга принципиал ёндошиш, барча Коммунистик партияларни бир-бирига яқинлаштирадиган йўлни қидириб топиш талаб қилинади. Бизнинг партиямиз бирлик учун курашга анъ шундай принципиал ёндошиш тарафдоридир. КПСС Марказий Комитетининг 1964 йилда бўлиб ўтган октябрь Пленумидан кейин социалистик мамлакатларнинг, бутун жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипслигини мустаҳкамлаш йўлида катта қадам қўйилди. Кўпгина қардош партияларнинг делегациялари билан учрашувлар бўлиб, улар билан музокаралар олиб борилди. Бу учрашув ва музокаралар коммунистик ҳаракатдаги ихтилофларни бартараф қилишнинг янги йўл ва методларини қидиришга бағишланди.

Маслаҳат учрашуви қатнашчилари халқаро коммунистлар армияси сафларини жипслаштириш ишида пассивлик кўрсатиш йўлига якдиллик билан қарши чиқдилар. Шу муносабат билан, қардош партияларга нисбатан дўстона бўлмаган, уларни ҳақорат қиладиган ва коммунизмнинг умумий ишига зарар етказадиган очиқ мунозарани тўхтатиш катта аҳамиятга эга бўлади, деган хулосага келинди. Асосий масалаларни ўртоқлик вазиятида ижодий муҳокама қилиш ажралишга эмас, бирликка олиб келади. Коммунистик муҳитдаги танқид, деган эди В. И. Ленин, «асло пролетариатнинг синфий душманларига ёрдам бераднган шаклларда эмас, балки масаланинг моҳиятига қараб олиб борилиши» зарур.

КПСС халқаро ишчилар синфининг, барча революцион ва прогрессив кучларнинг туб манфаатларига жавоб берадиган ана шу мақсадга эришиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўради, бундан буён ҳам кўради.

М. ХОЛМУҲАМЕДОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

ХАЛҚАРО КОММУНИСТИК ҲАРАКАТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Капитализмдан социализмга ўтишдан иборат ҳозирги даврда коммунистик ва ишчи партиялар олдида гоят муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар коллектив суратда ишлаб чиқилган программ ҳужжатлар — 1957 йилги Декларация ва 1960 йилги Баёнотда, КПСС XX ва XXII съездлари қарорларида, унинг янги Программасида, қардош марксчи-ленинчи партиялар ҳужжатларида чуқур характерлаб берилган.

Халқаро ишчи ва коммунистик ҳаракатнинг буюк доҳийлари Маркс, Энгельс, Ленин пролетариат революцион курашининг стратегия ва тактикасини, коммунистик партиялар сиёсатини ишлаб чиқишда жамият тараққиётининг объектив қонуниятларини ҳисобга олдилар. Илмий коммунизм асосчилари таъкидлаган эдиларки, ишчилар синфининг капитал устидан жаҳоншумул-тарихий ғалабасидаги ҳал қилувчи шарт-шароитлардан бири — турли мамлакатлар пролетарларининг биргаликда ҳаракат қилишларидир. Улар пролетариатнинг миллий манфаатларини унинг интернационал манфаатларига қарши қўйишга астойдил қарши чиққан эдилар. Энгельс фикрича ишчилар ҳаракатида ҳақиқий миллий идеаллар айни вақтда ҳақиқий интернационал идеялардир.

Маркс ва Энгельс ҳокимият учун курашда, буржуа тузумини емириб, коммунистик жамият қуришда пролетариатга ғалабани таъминлаб берувчи шарт-шароитлардан бири — ишчилар синфига сиёсий партия раҳбарлигидир, деб таъкидладилар. Партия ижтимоий тараққиёт қонунлари билан қуролланган бўлиши, пролетар ҳаракатининг бориши ва унинг умумий натижаларини тушиниши зарур. Марксчи-ленинчи партиялар эндиликда ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар манфаатларини ифода этувчи партия сифатида, халқ бахт-саодати учун, коммунизмнинг ззгу идеалларини амалга ошириш учун энг изчил курашчилар сифатида майдонга чиқдилар ва чиқмоқдалар.

Бутун дунёдаги коммунистларни марксизм-ленинизм таълимоти, пролетар интернационализми принципларига содиқлик, умумий душман — империализмга қарши, ягона буюк мақсадга — бутун дунёда социализм ва коммунизм тантанаси учун кураш бирлаштиради. Шу билан бирга тинчлик, демократия ва социализм учун курашда ишчилар синфи миллий отрядлари курашига раҳбарлик қилиш вазифаси, ҳамда ўз мамлакатининг ишчилар синфи ва бутун халқаро коммунистик ҳаракат олдидаги зўр масъулият ҳам коммунистик партияларни бирлаштиради. Баёнотда таъкидланганидек, ҳар бир мамлакатдаги ишчилар синфи ишининг муваффақияти барча марксчи-ленинчи партияларнинг интернационал бирдамлигини талаб қилади.

Маркс ва Энгельс томонидан тузилган I Интернационал биргаликда курашмоқ учун турли мамлакатлар ишчилар ҳаракатини бирлаштирди, ишчиларни ўзларини ягона армия деб ҳис қилишлари, билишларига ва шу руҳда иш кўришга ўргатди. У халқаро коммунистик ҳаракатга революцион курашнинг стратегия ва тактикасини илмий асосда ишлаб чиқишда бой тажриба қолдирди, илмий коммунизм идеяларининг майда буржуа социалистик назариялар устидан галаба қилишини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Маркс ва Энгельс I Интернационалда туриб революцион қатъийлик билан ўнг ва «сўл» оппортунизмга, прудонизм ва бокунинизмга, Англия тредъюнионларн ва Германия лассалчиларига қарши кураш олиб бордилар.

К. Маркс Бакунин қарашларини изоҳлаб «у социал революциядан бирор нарсани мутлақо тушунмайди, унинг ҳақидаги сиёсий сафсаталарингина билади, Унинг назарида социал революциянинг иқтисодий шартлари мавжуд эмас», деб ёзган эди.

I Интернационал ва унинг раҳбарлари — Маркс ва Энгельс халқаро ишчилар ҳаракати ва унинг сиёсий партияларини жипслаштириш соҳасидаги шонли традицияларини большевиклар партияси ва Ленин томонидан асосланган III Коммунистик Интернационал қайта тиклади ва янада ривожлантирди. В. И. Ленин халқаро ишчилар синфининг интернационал бирлигини кучайтириш соҳасида катта ғоявий ва ташкилотчилик ишини бажарди. Янги, III Интернационал 1919 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг барпо этилди.

III Интернационал В. И. Ленин раҳбарлигида I Интернационал традицияларини сақлаган ҳолда, бир қанча мамлакатда вужудга келаётган коммунистик партияларни марксизм-ленинизм байроғи остида бирлаштириш соҳасида катта хизмат қилди. Коммунистик Интернационал Ленин раҳбарлигида майда буржуа «сўл»-революциончилигига ва ўнг оппортунизмга қарши шафқатсиз кураш олиб борди, ишчилар синфининг революцион элементларини реформистик хом хаёлпарастлардан озод қилишга ва уларни илмий коммунизм позициясида мустаҳкамланиб олишига ёрдам берди. Халқаро коммунистик ҳаракатни марксизм принциплари асосида жипслаштиришда В. И. Ленининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» номли тарихий асари катта ёрдам берди. Бу китобда Ленин илмий коммунизмнинг муҳим проблемаларини ишлаб чиқди ҳамда «сўл» оппортунизми ва майда буржуа авантюризмини қаттиқ танқид қилди. У ҳозирги замон коммунистик ҳаракатининг стратегия ва тактикасига асос солди.

1918 йилда жаҳонда атиги 10 коммунистик партия бор эди. 1921 йилда уларнинг сони 34, 1928 йилда 46, 1935 йилда 61, 1957 йилда 75, 1964 йилда 89 га етди. Кейинги чорак аср ичида 28 та коммунистик ва ишчи партияси вужудга келди. 1928 йилда ишчилар орасида социал-демократлар сони коммунистларга қараганда 4 марта кўп бўлган бўлса, эндиликда халқаро коммунистлар армияси 46 миллиондан ортиқ бўлиб, сон жиҳатдан социал-демократлардан уч марта кўпдир. Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси Маркс, Энгельс, Ленин номлари билан чамбарчас боғлиқдир.

* * *

Қудратли социалистик лагерь мавжуд бўлган, капиталистик мамлакатлар ишчилар синфининг уюшқоқлиги анча юқори даражага кўтарилган, халқаро пролетариат ҳаракати реакция ва оппортунизм билан курашда талай тажриба орттирган ҳозирги вазиятда марксчи-ленинчи партиялар ўзларининг ҳаракатларини координация қилиш ва умумий мақсадга эришиш учун курашда бирликни мустаҳкамлашнинг янги эффектив формаларини топмоқдалар.

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

Иккинчи томондан, жаҳон миқёсида кучларнинг нисбати социализм фойдасига, империализм эзғинга ўзгараётган бир вақтда капиталистик давлатлар ҳукмрон доиралари ўз реакцион кучларини бир ерга тўплашга, ишчиларнинг синфий онгини қоронғулаштириш, пролетариат ва унинг ташкилотини бўлиб ташлашга уринмоқдалар. Улар ҳозирги замон революцион жараёнини, социалистик давлатлар системасини, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини, мустамлака ва қарам мамлакатлар халқлари миллий-озодлик ҳаракатини бир-биридан ажратиб ташлаб, «Коммунизм хавфи»дан ҳимоя қилиш байроғи остида инсониятни термо-ядро уруши гирдобига маҳкум этишга зўр бериб ҳаракат қиляптилар.

Америка империалистларининг Вьетнам халқининг озодлик курашига қарши ёвузликлари, Доминикана республикасида содир бўлаётган воқеалар бунинг ёрқин далилидир. Америка империализми халқаро жандарм эканлиги тобора равшан бўлиб қолмоқда.

ҚУМ БОСГАН МАШИНАЛАР

РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА

Кекса темирйўлчиман. Бир неча йилдан буён давлатдан пенсия олиб турибман. Лекин меҳнат қучоғидан чиқиб кетолмадим. Ёшликдан меҳнат қилсанг шунақа бўларкан. Ишга жуда ўрганиб қолларкансан. Ишламасанг ҳудди бирор нарсасини йўқотиб қўйган кишидай юраркансан. Шунинг учун ҳам жамоатчилик асосида темирйўлда контролерлик қиляпман.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 8 ИЮНЬ 1965 ЙИЛ.

Кўпинча жануб томонга қатнайдиган пассажир поездларда билет текшириб туришга тўғри келади. Ҳар гал поезд Сирдарё устидаги кўприкдан ўтаётганида унинг ёнидаги Чиноз қум-шағал карьерига ҳаяжонланиб боқаман. Карьерда бир неча йилдан бери ташландиқ ҳолда ётган асбоб-ускуналар олиб кетилганмикин, деб синчиклаб қарайман. Аммо уларнинг ҳамон қаровсиз ётишини кўрганимда ичимдан ачинаман. Ахир ана шу асбоб-ускуналар орасида ҳатто пулга топилиши қийин бўлган, нене машаққатлар билан келтирилган агрегатлар жуда кўп.

Бу ерда бир неча йиллаб қаровсиз ётган машина-механизмлар қиммати миллионларча сўмни ташкил этади. Чиноз қум-шағал карьери раҳбарлари (директори И. Книшев, бош инженери В. Четвериков ўртоқлар)нинг қимматбаҳо асбоб-ускуналарни фойдаланиш ўрнига ўз ҳолига ташлаб қўйганликлари, уларни ишга туширишга ҳақида жуда бўлмаганда авайлаб сақлаш ҳақида қайғирмаётганликлари кишининг газабини келтиради.

«ТГК» маркали маневр тепловози карьерга 1960 йилда келтирилган эди. Бу қимматбаҳо локомотив ҳали бирор километр ҳам йўл босгани, бирор тонна ҳам юк ташигани йўқ. Қандай келтирилган бўлса, шу ҳолича ётибди бу ерда. Эндиликда у тамомила фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Айрим деталлари йўқолиб кетди. Ҳаракатланувчи узелларини занг босди. Уни фақат металломга топшириш мумкин, холос. Агар бу тепловоз беш йил давомида ишлатилганда эди, жуда катта фойда келтирарди. Тобора кенгайиб бораётган қурилишларимиз учун инерт материаллари етказиб беришни тезлаштиришга нафи тегарди. «Чардарстрой» бошқармаси ва карьер раҳбарларининг ўтакетган масъулиятсизлиги натижасида тепловоз шундай ҳолга келган. Агар уни бу ерда ишлатишнинг имкони бўлмаса бошқа жойда фойдаланиш мумкин эди-ку? Шундай қилинмагани кишини таажжублантиради. Бутун бошлиқ бир тепловознинг ҳеч ишламасдан беш йил давомида бекор туриши билан давлатга жуда катта зарар келтирилган, «Чардарстрой» бош қармаси ва карьер раҳбарлари наҳотки шуни тушунмасалар.

Юз тоннали тарозу бу ерга 1962 йилда келтирилган эди. Унинг карьер учун қанчалик аҳамиятли эканлигини гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Афсуски, бу агрегат ҳам тўла монтаж қилинмади. Тўғри, дастлаб уни ўрнатиш юзасидан ишлар авж олдириб юборилди. Фундаментлар ётқизилди. Тарозининг айрим узеллари монтаж қилинди ҳам. Лекин иш чалалигича қолиб кетди. Мана уч йилдан бери ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Тарози ярим ўрнатилганича ётибди. Айрим деталлари қум-шағал остида қолиб кетган. Бошқалари занглаб ётибди. Қисқаси, бу агрегат тамомила яроқсиз ҳолга келган. Тақдири бундай аянчли бўлган яна бир қанча машина-механизмлар бор. Юк ортгич вагон шуларнинг биридир. Бу янги техника карьерга 1963 йили олиб келинган эди. Унинг ёрдамида ҳар соатда вагонларга 300 тоннагача етказиб қум ва шағал ортиш мумкин. Шундай қувватли механизмни ўрнатиш учун траншея қазилди, бетон ётқизилди. Монтаж қилиш ишлари ярмига обориб қўйилди. Лекин шу билан иш тўхтатилди. Юк ортгичнинг деталлари ўз вақтида мойлаб турилмади. Натижада кўпчилиги занглаб қолди.

Худди шу ерда БН-3 маркали 168 тонна битум котлованга ташлаб қўйилганча ётибди, унинг усти қумга тўлиб кетган. Шағалли навларга ажратувчи агрегатнинг бир қанча янги деталлари ҳам ташландиқ ҳолда ётибди. Ваҳоланки бу деталларни анчагина маблағ сарфлаб бу ерга келтиришган эди. Бир қанча электромоторлари, швеллерлар, кучли сув насослари, лебедкалар, экскаватор ва бошқа шу каби машиналарнинг деталлари очиқ ҳавода ётибди. Қор-ёмғир остида қолиб занглямоқда, айримларини қум кўмиб юборган.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, карьердаги темир йўл излари ҳолати жуда қониқарсиздир. Йўлат излар пухта қурилмайди. Натижада поездлар тез-тез изидан чиқиб туради. Тошкент темир йўл бўлинмаси бу камчиликларни бартараф этишни илтимос қилиб, карьер раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилишди. Лекин улар фақат қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Ҳозир ҳам ҳолва, ёғингарчилик, қиш вақтида бу йўллардан поездларнинг қатнаши жуда ҳавотирли бўлади.

Чиноз қум-шағал карьери раҳбарларининг ўтакетган масъулиятсизлиги, халқ мулкига, юзларча минг сўмлик давлат маблағи сарфланиб тайёрланган қимматбаҳо асбоб-ускуналарни сақлашга, уларни ўз вақтида ишга туширишга панжа орасидан қараётганликлари давлатга жуда қимматга тушмоқда. Республика қурилиш министрлигининг «Главстройиндустрия»си раҳбарлари ана шу аҳволдан хабардор бўлганлари ҳолда унинг олдини олиш ҳақида ўйлаб кўрмаганлар. Бундай ўзибўларчилик кайфиятига чек қўйиш, ишлаб чиқариш учун катта аҳамиятга эга бўлган асбоб-ускуналарнинг яроқсиз ҳолга келишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан тегишли чора кўришни республика қурилиш министрлигига ҳавола қиламиз.

А. КОМИССАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

«Узбекхиммаш» заводи коллективи етти йилликнинг охирги йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлаш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Кўп чилик қатори 5- цех ишчиси ўртоқ З. Абдужалиева ҳам бу мусобақада актив иштирок этмоқда. Смена топшириқларини муттасил 130 процент ва ундан ҳам ошириб адо этяпти. Унинг қўлидан чиққан деталлар сифати ҳам чакки бўлмаяпти. Суратда: ўртоқ З. Абдужалиева иш устида.

О. Левак фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ДАЛАДА ИШЛАЁТГАНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

ШИНАМ ШИЙПОНЛАР

Баъзан, айрим колхоз раҳбарлари кўз-кўз қилиш учун бир ерда намунали дала шийпони қурадилар-да, шинам жиҳозлаб қўядилар. Стол-стуллар, палослар, шиорлар, плакатлар билан безайдилар уни. Келган меҳмонларни ҳам дарҳол мана шу намунали шийпонга бошлаб борадилар. Уларнинг олқишларини эшитишга интиладилар.

Биз бунга қаршимиз. Чунки далада ишлаб турган одамларнинг ҳаммаси бойлик яратиш учун партиямизнинг чақириқларига баробар лаббай деб жавоб бермоқдалар, фидокорона ишлаб пешона тери тўкмоқдалар. Меҳнат завқи ва шавқи билан яшамоқдалар. Шунинг учун ҳаммага бирхил қулай дам оладиган жойлар, маиший шароит яратилиши керак. Бир жойда намунали, иккинчи жойда наридан-бери дала шийпонлари қуришга уриниш бутунлай нотўғридир. Бу аҳвол билан муроса қилиб бўлмайди.

Ўрта Чирчиқ район партия комитети колхоз-совхоз раҳбарларининг эътиборини мана шунга жалб қилмоқда. Барча дала шийпонларини намунали ташкил этишга ундамоқда.

Биз колхоз-совхоз раҳбарларидан дала шийпонларига экскурсия ўтказиб туришларини талаб қилмоқдамиз. Яқинда, колхоз-совхоз партия ташкилотларининг секретарларидан 23 кишини йиғиб, улар ўзи танлаган Охунбобоев номли, «Полярная звезда» колхозларининг дала шийпонларида экскурсия ўтказилди.

«Полярная звезда» колхозида 14 та дала шийпони бор. Шундан еттитаси типовой лойиҳа билан қурилган. Ҳамма дала шийпонларида колхозчиларнинг қулай ва маданий дам олишлари учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси муҳайё.

Охунбобоев номли колхозда 12 та дала шийпони бўлса, шундан тўрттаси типовой лойиҳа билан қурилган. Яна шу хилда учта дала шийпони қурияпти.

«Коммунизм» колхозида 15 та дала шийпони тўла радиолаштирилган. 12 та дала шийпонига душ ўрнатилган. «Ленин йўли» колхозидаги дала шийпонлари ҳам ёмон эмас. Умуман, районда 216 та дала шийпони бор. Шундай 35 тасига душ ўрнатилган.

Район партия комитети дала шийпонларида кутубхона ташкил қилиш ишига алоҳида тайёрлик кўрди. «Дала шийпонлари кутубхонаси» деган махсус кутубхона ташкил этилди. Бунда қишлоқ хўжалигига доир 20 та брошюра, 14 та плакат, 10 та «жанговар варақа» ва бошқалар бор. Район матлубот союзининг китоб магазини шундай кутубхонадан 198 та тайёрлади ва ҳозиргача 75 та дала шийпонига юборди. Бу иш давом этяпти.

Дала шийпонларида одамларнинг соғлиғини сақлаш мақсадида дастлабки ёрдам кўрсатиш учун аптечкалар ташкил қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозиргача 78 та дала шийпонида аптечкалар ўрнатилди.

Лекин эътироф этиш керакки, ҳамма колхоз ва совхозлардаги дала шийпонлари талабга тўла жавоб берарли даражада эмас. Ҳали бу соҳадаги ишларга етарли эътибор қилмаётган, ёки бу ишларни унча менсимаётган хўжалик раҳбарлари ҳам бор.

Масалан, Калинин номли колхозда бор-йўғи бешта дала шийпони бор. Шундан ҳам ҳозиргача фақат иккитаси наридан-бери ремонт қилинган, яхши жиҳозланмаган.

Обод, чинакам ҳордиқ чиқарадиган жойларнинг бўлиши учун астойдил ҳаракат қилиш керак. Чунки юқори ҳосил етиштириш учун курашаётган одамларга ғамхўрлик қилиш биринчи даражали зарур масаладир. Бу ишга бепарволик билан қараб бўлмайди. Шунинг учун район партия комитети колхоз ва совхозлардаги ҳамма дала шийпонларини намунали, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган ҳолга келтириш тадбирларини кўрмоқда.

М. ИЎЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари.

ОНАЛАР МАМНУН

Қўйи тоғ ортидан кўтарилиб ой жамолини кўрсатабошлайди. Боғчамизда ҳаёт бошланиб кетади. Собир, Ботир, Тоҳир, Гулнора, Руқияларбирин-кетин салом беришиб мураббиялар ёнига келишади. Бир зумда улар бир-бирлари билан «ишга» киришиб кетишади. От-от ўйнашади, қувлашиб бўлишиб, бир зумда қанчадан-қанча «уй-жойлар»ни қуриб ташлашади, ашула ва шеърлар айтишиб, ўзларини ҳурсанд қилишади.

Хуллас боғчамиз ёмон эмас. Қувноқларнинг севимли жойига айланган. Эртадан-кечгача гавжум. Тарбиячиларимиз педагогик маҳоратларини ошириб, ёш бўғинни ота-онага ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашяпти. Колхозчи ота-оналар ўзларининг нури-дийдалари бўлган фарзандларини бизга топшириб қўйишган. Бу фахрли ишдир.

Қишлоғимизда ёш бўғин меҳр ва муҳаббат билан тарбияланади. Уларнинг 120 га яқини марказий боғчада тарбияланмоқда. Колхоз правлениеси оналарнинг боғчага қайта-қайта қатнаб кимматли вақтларини бекорга ўтказмаслик чорасини кўрган. Шу мақсадда боғча ихтиёрига бир машина берилди. Машина кўчама-кўча, уйма-уй юриб болаларни тўплаб боғчага олиб келади. Кечқурунлари эса яна болаларни ўз уйларига элтиб қўяди. Бу эса оналарнинг қимматли вақтларини бир неча соатга тежаб, далада меҳнат унумдорлигини оширмоқда.

Бизда яслилар ҳам бор. 13 та дала шийпонидаги кўчма яслиларда кичкинтойлар тарбияланиб ўстирилмоқда. Мураббияларнинг болаларга хизмати ёмон эмас. Оналар ҳурсанд. Биз тарбиячилар зиммасига пахтакорларнинг ўғил ва қизларини соғлом ўстириш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган. Буни биз амалда оқлаш учун ҳаракат қиляпмиз.

А. ЗОКИРОВА,
Бўка районидаги «Ленинизм» колхоз болалар боғчасининг мудири.

Калинин районидаги «Ленинизм» колхозининг правлениеси деҳқонларнинг фидокорона меҳнат қилиб, маданий дам олишлари учун барча қулайликларни яратиб берган. Бу ердаги ҳамма дала шийпонлари пахтакорларнинг кўнгилли дам олишларига хизмат қиляпти. Сиз, фотомухбиримиз А. Абалян шу колхознинг 6-участкасидаги дала шийпонидан олган суратни кўриб турибсиз.

ДЕҲҚОНЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Далада ишлаётганларга ғамхўрлик қилиш колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг ҳамма вақт диққат марказида. Биз дала шийпонларининг кўркам, одамлар кўнгил очиб дам оладиган жойга айлантириш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга оширдик. Дала шийпонларининг ён-атрофлари кўкаламзорлаштирилган, дарахтлар экилиб, соя-салқин жойга айлантирилган. Баҳаво ерларга кроватлар, стол-стуллар қўйилган. Шиор ва плакатлар осиб қўйилган. Дала шийпонларининг кўпи ҳаммаси электрлаштирилган ва радиолаштирилган. Газета-журналлар билан таъмин этилган.

Колхозимизда ҳозир 14 минг сўмлик газета ва журнал тарқатилмоқда. Ҳар бир ҳонадон маҳаллий ва марказий газета ва журналлардан олиб туради.

Қишлоғимиздаги ўқитувчилар, инженер-техниклар, агрономлар, зоотехниклар, врачлар деҳқонлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Улар тез-тез дала шийпонларида бўлишади. Пахтакорларни қизиқтирадиган темаларда лекция, суҳбатлар ўтказишади. Агитаторларимизнинг ишларидан ҳам мамнунмиз.

Савдо ходимлари бизга яқиндан ёрдам беришяпти. Қўпчилик дала шийпонларида ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи дўконлар ташкил этилган. Буларда деҳқонлар учун энг зарур бўлган нарсаларни ҳаммавақт топиш мумкин.

Бизда оналарга иззат ва ҳурмат билан қараш, уларнинг меҳнатларини қадрлаш одат тусига кирган. Колхозимизда 500 га яқин болалик аёл бор. Уларнинг деярлик ҳаммаси жамоат ишларида фаол қатнашмоқдалар. Шу сабабли ҳам биз болали аёлларнинг ишларини енгиллаштиришга ҳаракат қиляпмиз. 11 ерда болалар боғчаси ва яслиси ишлаб турибди. Болаларга берилаётган озиқ-овқат бепул.

Яллама — районимиздаги энг катта қишлоқлардан бири ҳисобланади. Биз шуни ҳисобга олиб қисқа вақт ичида жуда чиройли ҳаммом қуриб, меҳнаткашларга тортиқ қилдик. 15 койкалик туғруқхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Намунали қизил чойхона, сартарошхоналар қурилди.

Ҳисоблаб чиқдик, ўтган йили маданий-маиший бинолар қурилишига ҳаммаси бўлиб 151 минг сўм пул сарфланибди. Бу йил ундан ҳам кўпроқ маблағ сарфлашни мўлжаллаб турибмиз. 300 ўринли мактаб биносини қуришга киришдик. Радиоузел, телефон станцияларини қуриш жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Яқин вақт ичида қишлоқ кўчаларига водопровод ўтказилади.

Яқинда район партия комитетининг бюроси бизнинг ишимизни муҳокама қилиб, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларимизни қўллаб-қувватлади. Биз бундан кейин ҳам янада яхшироқ ишлаб, колхозчиларнинг ишончини тўла оқлашга ҳаракат қиламиз. Колхоз правлениеси якка тартибда уй қураётган колхозчи механизаторларга яқиндан ёрдам бермоқда. Қурилиш материаллари билан тўхтовсиз таъминлаб турибди. Ҳашар тартибида уйжойлар қуриш кенг авж олди.

190 ҳонадон «зангори экран»лардан Тошкент, Фрунзе, Олмаотани кўряпти. Ўнлаб колхозчи ўзининг шахсий машинасига, мотоциклига, мотороллерлари ва велосипедига эга.

Деҳқонларимиз йилдан-йилга пахта ҳосилдорлигини гектар бошига ошириб бораётганлиги сабабли ҳам ана шундай қувончли натижаларга эришмоқдамиз. Биз колхозчилар ўртасида КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини атрофлича ишлаб чиқдик. Деҳқонлар ишга солинмаган резервлар ҳақида батафсил гапирдилар. Улар ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб, деҳқончилик маданиятини янги босқичга кўтаришга сўз бердилар. Биз ҳар бир участка ва звенода ҳосилдорликни ошириш юзасидан пухта тадбирлар ишлаб чиқдик. Гектаридан 30—35 центнердан хирмон кўтариш учун кураш олиб бормоқдамиз.

Коллективимиз аҳил, бир ёқадан бош чиқарган ҳолда ишлаяпмиз. Экин майдонларимизда кўчатлар яхши, бегубор, тез ривожланаяпти. Шунга қарамай, озиқлантириш, культивация қилиш, чопиш ва суғоришни бирбирига боғлаган ҳолда олиб бормоқдамиз.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти партия ва ҳукуматимизнинг кишиларга оталарча ғамхўрлик қилишни доимо изчиллик билан амалга ошириш ҳақидаги кўрсатмаси асосида ташкил этади ва бунинг учун бутун куч, имкониятлардан тўла фойдаланади.

М. ПЎЛАТОВ,
республикада хизмат кўрсатган пахтакор, Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхозининг раиси.

Ҳ. УМАРАЛИЕВ,
колхоз партия комитетининг секретари.

ОРОМ

Чошгоҳ. Қуёш тикка га келган. Кун роса исиётганиданми, ҳалигина чуғур-чуғур сайраётган қушларнинг ҳам овози тинган. Уфққа туташ пахтазорларда ҳар туп гўза устида парвона бўлаётган деҳқонлар ҳам кўринишмайди. Тонг саҳардан бери ер юмшатаётган тракторлар дарахт панасига ўтган. Ҳамма ором олаяпти...

Катта йўл ёқасидаги шинам шийпондан тараладётган ёқимли най садоси далалар оша узоқ-узоқларга кетаяпти. Санъат соҳибларидан Аюб Қодиров чалаётган «Ором» куйи шу ором олинаётган дақиқаларда ям-яшил далаларнинг файзига файз, гаштига гашт қўшиб турибди.

— Мана, Юлдуз Алиеванинг звеносига ҳам етиб келдик, — деди ҳамроҳимиз, колхоз партия ташкилотининг секретари Мамасоли Бегматов, ҳалиги шийпонни кўрсатар экан.

Шийпон яқиндан янаям жозибали кўринди. Соя-салқин жойда звено аъзолари тушки овқатдан сўнг аччиқ кўк чой ичиб гурунглашиб ўтиришарди. Республика Олий Советининг депутати Юлдуз Алиева неча йиқиндагина бўлиб ўтган сессиядан олган таассуротларини звено аъзоларига гапириб бергач, энди шундан қандай хулоса чиқариш кераклиги тўғрисида сўзлади.

Шу пайт шийпонга олтмиш беш-етмиш ёшлар чамасидаги оппоқ соқолли отахон келиб қолди.

— Келинг, Тожибой ота, — деди Юлдуз, — ҳаллаб қолдингиз?

— Ҳа, хўв анави пайкални суғораётувдим, сув оёқлашини кутдим, — деди Тожибой ота янгининг этагига пешонасидаги маржон-маржон терни артаркан, — ўзингдан қолар гап йўқ қизим, сувни қўйиб бу ёққа келаверишга кўнглим бўлмади...

— Қани юқорига чиқинг, ором олинг энди,— Юлдуз уни чорпояга таклиф қилди.

Шу пайт ошпаз аёл Сайдинисо опа Тожибой отанинг олдига бир коса суюқош билан бир чойнак чой келтириб қўйди. Кейин нон ушатдида, «қани, овқатга қаранг Тожибой ана» деб яна ошхона томонга кетди...

Звено аъзолари радиоприёмникдан концерт тинглаб, чойхўрлик қилиб, бир-бирлари билан чақчақлашиб анчагача ҳордиқ чиқардилар. Баъзилар бироз мизғиб ҳам олишди.

— Шийпон бизнинг иккинчи уйимиз бўлиб қолган, — деди Юлдуз,— хусусан ёз пайтида шийпон ҳаммамизнинг ҳордиқ чиқарадиган жойимиз. Деҳқонларимиз, айниқса сувчиларимиз нонуштани ҳам, тушликни ҳам, кечки овқатни ҳам шу ерда қилишади.

Звено бошлиғи Сайдинисо опани мақтади. Ҳақиқатан ҳам бу аёлни мақтаса мақтагуден экан. Тўрт боласи бўлишига қарамай, шийпондаги боғчада ўн чоғли болани эрталабдан кечгача боқади у. Шу билан бирга звено аъзоларига вақти-вақти билан иссиқ овқат пишириб бериб тураркан.

Партком секретари Мамасоли ака билан колхознинг бошқа звеноларига ҳам бордик. У ерларда ҳам дала шийпонларида колхозчиларга ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Орифжон Эрматов бошлиқ звено деҳқонлари ором оладиган жой айниқса файзли. Уртада ҳовуз. Унинг теварагида қуюқ баргли дарахтлар қад кўтарган. Ерга тангадек офтоб тушмайди. Деҳқонлар ҳовуз бўйидаги баланд супада овқатланишади, ҳордиқ чиқаришади.

Маданий-маиший ишларнинг кўнгилдагидек ташкил этилаётгани Бекободдаги Ленин номли колхознинг мўл ҳосил етиштириш учун шу кеча-кундузда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган асл деҳқонларининг бир ғайратига ўн ғайрат қўшмоқда.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг марказий болалар боғчасида 170 дан ортиқ бола тарбияланади. Бу ерда болалар учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Улар соя-салқинда дам олишиб, ўйнашади. Суратда: тарбиячи ўртоқ Нурбуви Мўминова болаларга китоб ўқиб бермоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ

Ҳозир ҳар бир туп гўзани меҳр билан парвариш қилишдан кўра муҳимроқ иш йўқ. Далаларда меҳнат авжида. Азамат пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштириш ишқида тер тўкиб меҳнат қилишяпти. Шу ҳалол меҳнат туфайли кузакка бориб тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонлари уюлади.

Ҳамма ҳам самарали меҳнатдан кейин яхши дам олсам, ёзилиб ҳордиқ чиқарсам, дейди. Чунки, меҳнат билан дам олиш бир-бирига эгизак. Шунинг учун ҳам областимиз маданият ходимлари азамат деҳқонларга намунали маданий хизмат кўрсатишни ўзлари учун шараф деб биладилар.

Чигит экиш ишлари бошлаб юборилган кунлардаёқ маданият ходимлари миришкор пахтакорларнинг меҳнат масканига йўл олишди. Ҳозир колхоз ва совхоз далаларида область маданият бошқармаси томонидан ташкил этилган ўнта агитмашина ишлаб турибди. Бу агитмашиналар далама-дала юриб, қишларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Агитмашина кутубхонаси турли адабиётларни тарқатиш билан шуғулланса, кино меҳаниклар дала шийпонларида фильмлар намойиш қилишади. Лекторлар эса, колхозчиларни қизиқтираётган мавзуларда мазмунли суҳбатлар ўтказишади.

Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ районлари маданият уйлари агитмашиналари фаолияти айниқса мақтовга сазовордир. Шунингдек, Юқори Чирчиқ районидаги маданият уйи (директори ўртоқ В. Пак) ходимлари ҳам намунали ишлар олиб боришяпти.

Ўтган бир ой ичида агитмашина ходимлари кучи билан бир неча тематик лекциялар ўқилди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми материаллари асосида ташкил этилган суҳбатлар катта қизиқиш билан тингланди. Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозига эса бир группа лекторлар бориб хилма-хил темаларда лекция, суҳбатлар ўтказдилар.

Республикада хизмат кўрсатган артист Ҳаким Нишонов бадиий раҳбарлик қилаётган ансамбль шу кунларда колхозчиларга рангбаранг номерлардан иборат концертларни қўйиб беришяпти. Ўрта Чирчиқ район маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ҳам дала меҳнаткашларининг ҳурмат-иззатини қозонишган. «Полярная звезда» колхозида ташкил топган халқ театрининг бу соҳадаги хизматларини ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Бу ижодий коллектив райондаги бир неча хўжаликда концертлар қўйиб берди.

Бироқ, буларни етарли деб бўлмайди. Айрим ҳолларда баъзи узоқ районлардаги хўжаликлар аъзоларига ўз вақтида маданий-маиший хизмат кўрсатилмайди. Албатта, буларни ҳисобга олиш керак.

Область маданият бошқармаси ва халқ ижоди уйи йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор тадбирларни белгилади. Деярлик ҳар бир район етарли концерт бригадалари билан таъминланади. Қишлоқ меҳнаткашларига кўнгилдагидек маданий хизмат кўрсатиш бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлади.

Ҳ. РЎЗИМАТОВ,
Область халқ ижоди уйининг директори.

ЧАЛА ҚОЛГАН ИШ

Идора қаршисидаги олмазор боғ ўртасида пишиқ ғиштдан ишланган марказий болалар боғча биноси қад кўтариб турибди. Шинам қилиб безатилган дала шийпонларини кўриб қувонасиз. Шийпонлар ёнидаги азамат толлар тагига сўрилар қўйилиб, сўлим оромгоҳга айлантирилган. Майин шабада ғир-ғир эсиб, роҳат беради кишига.

Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозида бундай жойлар бир-икки йил ичида қурилди. Чунки бу колхозда бир неча йиллардан бери план бажарилмай келар, хўжалик қолоқ эди. Колхозчилар ўтган йили шу қолоқликдан чиқиш учун астойдил курашдилар ва дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Бу колхозчиларнинг руҳини кўтариб юборди. Дала ишларига уюшқоқлик билан киришиб, 1150 гектар пахта майдонидан 2700 ўрнига 2900 тонна «оқ олтин» етиштириш учун астойдил бел боғладилар. Яхши ният билан бошланган бу ишнинг якуни чакки бўлмади. Шу кунларда колхозга борсангиз катта-катта майдонларда ер бетини қоплаб, тенгис шонага кирган бўлуқ ғўзани кўрасиз.

Лекин колхоздаги ҳамма иш-ни соз, деб бўлмайди. Дала ишларида ҳам, одамларга, айниқса болалик аёлларга ғамхўрлик қилишда ҳам унча-мунча камчиликлар, бепарволиклар бор.

Дала ишларидан икки шинғил. Ғани Ҳайдаров. Болтабой Мовутов, Мовлон Абдурахмонов ўртоқлар бошлиқ участка пахтазорларини айланиб кўрсангиз, ўтдан тозаланган, эркин ривожланаётган ғўзалар билан бир қаторда гўзаси ўт ичида кўринмай кетган карталар ҳам йўқ эмас. Болтабой Мовутов бошлиқ участка дала шийпони ёнидаги картани кўрган киши албатта ранжийди. Бу ерда ўртоқ Дадабоев звено бошлиғи бўлиб ишлайди. Кўчат жуда сийрак. Шунга қарамай, Дадабоев бепарволик қилиб жуда кўп кўчатни культивация вақтида кўчириб юборган. Бу ўтакетган масъулиятсизлик, бепарволик эмасми?! Колхозчиларнинг дам олишлари учун қулай шароит яратиш мақсадида колхозда бир мунча ишлар қилинган. 12 та дала шийпонининг ҳаммаси ремонтдан чиққан, оқланган. Ҳамма ерда иссиқ овқат бор.

Бироқ бу соҳада ҳам ҳали охирига етказилмаган, ярим йўлда қолиб кетган юмушлар кўп.

Масалан, катта ёшдаги болалар марказий боғчада бўлса, эмизикли болалар учун дала шийпонларида ясли ташкил этилган. Беланчаклар осилган, тарбиячилар қўйилган. Аммо беланчаклар етарли эмас. Мовутов бошлиқ участкадаги яслида 20 бола бўлгани ҳолда беланчак атиги 7 та!

Ўртоқ Мавлон Абдурахмонов бошлиқ участкадаги болалар яслисида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Бу ерда Умри Абдурахмонова тарбиячилик қиляпти. У билан суҳбатлашсангиз яслида аҳвол яхши эмаслигини айтади. Ясли зарур нарсалар билан етарли таъмин этилмайди.

Бу ишларга мутассади бўлган колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Муса Мусоқов ўз вазифасини яхши бажармаяпти. У деярли ҳар куни дала шийпонларида бўлади, аммо яслилардаги аҳвол билан яқиндан танишмайди. Камчиликларини тузатиш тўғрисида ғамхўрлик қилмайди.

Марказий болалар боғчасидаги аҳвол ҳам унча яхши эмас. Агар боғча хоналарини бир айланиб чиқсангиз, талай камчиликларни кўрасиз. Болалар ўйнаб юрган ҳовли жуда ифлос, чанги чиқиб ётибди. Сув сепиб, супуриб қўйилмаган. Ёш болалар ўйнайдиган ерда самовар қайнаб турибди. Кичик группадаги 30 бола учун тўртта ўйинчоқ берилган, холос.

Маълум бўлишича, дала шийпонларидаги болалар яслиси ишларига ўртоқ Айтжонова ёрдам бериши керак экан. Лекин у бу муҳим ишга ўтакетган даражада совуққонлик билан қарамоқда.

Болалар боғча ва яслиларига эътибор — колхозчиларга ғамхўрлик қилишнинг энг муҳим омилларидандир. Бу ишга наридан-бери, масъулиятсизлик билан қараб бўлмайди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти буни унутмасликлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 8 ИЮНЬ 1965 ИИЛ.

ПАЗАНДА

Уста пазанда қўли билан тайёрланган хуштъам таомлардан тотинган хўранда унга ўз миннатдорчилигини изҳор қилмай кета олмайди. Пазандани топиб дилидаги илиқ гапларини айтади унга. Бундай моҳир пазандалар пойтахтимиздаги Куйбишев район ошхоналар трестига қарашли 3-«Чайна»да ҳам бор. Айниқса, бош ошпаз Мирвоҳид ака Мирсоатов тайёрлаган мазали таомлар барчага манзур.

Мирвоҳид ака республикамизнинг турли область ва районларида тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказади. Уста пазанда ўзининг 30 йиллик меҳнат фаолияти мобайнида 130 дан ортиқ малакали шогирд етиштирди.

— Халқ раҳматининг ўзи катта мукофот, — дейди Мирвоҳид ака. Лекин унинг хизматлари партия-ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланаяпти. СССР Савдо министрлиги унга яқинда «Уста ошпаз» деган фахрли унвон берди.

Суратда: (чапдан) Мирвоҳид ака Мирсоатов ва Мўйиддин Юсупов.

А. Абалян фотоси.

Барабанлар янграмоқда

Ўлкамизда қувноқ ёз фасли бошланди. Мактабларда ўқишлар, имтиҳонлар тугаяпти. Пионер лагерлари, дам олиш уйлари, санаторийларда пионер барабанлари янграй бошлади.

Бу йил шаҳримиз атрофида қирққа яқин пионер лагери ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Бу оромгоҳларда ҳар сменада минглаб бола дам олади, зилол сувларда чўмилиб, ҳар хил спорт ўйинлари билан машғул бўлади.

Яқинда шаҳар савдо бошқармасига қарашли 450 ўринли пионер лагери ташкил этилди. Бу Луначарское шоссесининг соя-салқин хиёбонларидан жой олган. Лагерь шинам қилиб безатилди. У стадион ва сув ҳавзасига эга. Ҳозир дастлабки дам олувчи кичкинтойлар ўз лагерларига етиб келишди.

Шаҳарнинг ўзида дам оламан, деган пионер ва ўқувчилар учун ҳам намунали шароит яратиб қўйилган. Барча маданият ва истироҳат боғлари, 60 га яқин уй бошқармаларида янгидан пионер лагерлари ташкил этилди. 200 дан ортиқ тарбиячи бу ерларда болалар билан бирга бўлади. Ёз кунлари ўғил-қизлар завод, фабрика ва қурилишларга экскурсиялар ўтказадилар. Ёзувчи ва шоирлар, артист ва композиторлар улар меҳмони бўлишади. Шуниси яхшики, уй бошқармаларида ташкил этилган пионер лагерлари шу яқин орадаги корхона ёки қурилиш ташкилотига бириктириб қўйилади. Корхона раҳбарлари болалар ҳолидан хабар олиб туриб, уларга керакли бўлган барча нарсаларни етказиб беришда ёрдам қилишади.

Пойтахтимиздаги мактаблар коллективлари ҳам ўз ўқувчилари учун дам олиш хоналари ташкил этмоқдалар. Чилонзордаги 163, 178, 173-мактабларда бу борада ажойиб ишлар амалга ошириб қўйилди. Қурилаётган тадбирларнинг барчаси фарзандларимизнинг ёз бўйи мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қилади.

ИЖОДИЙ СЕМИНАР

Тошкент телевидение студияси «Актуаль эшиттиришлар ва телевизион янгиликлар» деган мавзуда бир ҳафта давом этган ижодий семинар тугади. Семинарда Москва телевидение студияси сўнгги ахборот бош редакциясининг редактори Ю. В. Фокин комментаторлик фаолияти ва кўп йиллик тажрибаси билан ўртоқлашди.

Актуал темадаги эшиттиришлар ва уларни қандай тайёрлаш ҳақида Марказий телевидение студиясининг ходими Э. Ф. Муртазин қизиқарли суҳбат ўтказди.

Семинар Тошкент, Фрунзе, Олмаота студиялари ҳамкорлигида тайёрланган «Дўстлик тўлқинларида» деган эшиттиришни кўрсатиш билан якунланди.

Э. МУСАЕВ.

Келажак бўсағасида

Имтиҳон бўлаётган аудитория олдида бир группа студент ўзаро суҳбатлашиб турарди. Ичкаридан Набижон Нуров чиқиб келди. Чиқди-ю, дўстлар даврасига шошилди. У жуда ҳурсанд эди.

— Набижон, табриклаймиз!

— Қандай саволлар тушди?

— Саволлар қийин эмасми?

Студентлар Набижонга кетма-кет саволлар беришарди. У эса жавоб беролмай энтикарди.

— Биласизларми, аввал роса қўрққан эдим,— деди Н. Нуров биродан сўнг.— Бундай қарасам билетдаги саволларнинг ҳаммасини биламан. Лабораторида биргаликда бажарган тажрибаримиз катта ёрдам берди. Телефон-телеграф алоқасининг ишини ўзимиз бажарган тажрибалар асосида гапириб бердим. Қолган саволларга ҳам ҳеч қийналмай жавоб қайтардим.

Ҳақиқатан ҳам автоматик кўп каналли электр алоқаси факультети телефон-телеграф алоқаси бўлимининг V курс студентлари йиллик имтиҳонларга пухта ҳозирлик кўрдилар. Имтиҳонларга тайёргарлик лабораторияда олиб борилди. Бу эса ўтилган темаларни амалиёт билан мустаҳкамлашга катта ёрдам берди. Старший ўқитувчи ўртоқ Н. Кожин эса вақтиваҳти билан битирувчи курс студентларига мазмунли консультациялар бериб турди.

...Орадан кўп ўтмай студентлардан Ш. Саидаҳмедов, З. Оқинқулов Р. Алиқуловалар ҳам бирин-кетин имтиҳонларни топшириб чиқишди. Уларнинг билимлари ҳам юқори баҳоланган эди.

Имтиҳонлар тугагач биз имтиҳон қабул қилган ўқитувчи Н. Кожин билан суҳбатлашдик.

— Бугун группа студентлари асосий фандан имтиҳон топширдилар,— деди у.— Мен уларнинг жавобларидан жуда хурсанд бўлдим. Тажриба ишларини ҳам ўринлатиб бажардилар. Бу эса назарий билимларни амалиёт билан пайванд қилинганлигини кўрсатиб турибди. Алоқачилар шундай бўлиши ҳам керак-да! Қувончлиси шундаки, ҳамма студент «4» ва «5» баҳо олди.

— Факультетимизнинг бошқа битирувчи группаларида ҳам имтиҳонлар қизғин ўтди,— деди Тошкент алоқа электр техника институти автоматик кўп канали электр алоқаси факультети деканининг ўринбосари ўртоқ Э. Нуриддинов.— Улар корхоналарни телефонлаштиришни планлаштириш, узоқ масофадан туриб алоқа ўрнатиш, илмий коммунизм асослари ва философия фанларидан имтиҳон топширдилар. Имтиҳонларнинг натижаси чакки бўлмади. Мана энди улар олдида ишлаб чиқариш практикаси турибди. Бугун-эрта дипломант студентлар қардош Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон республикаларига жўнаб кетишади. Қардош республикалар пойтахтларидаги марказий телеграф станцияларида диплом олди практикасини ўтказишади.

Студентларга актуал темаларда диплом ишлари топширилган. Улар практика даврида диплом ишлари ўчун бой материаллар тўплашади, ўз касбларини эгаллаш йўлида малака ҳосил қиладилар.

Ҳадемай институтнинг қолган курсларида ҳам йиллик имтиҳонлар бошланади.

А. АЛИЕВ.

РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР!

Бу поликлиникада «навбат кутинг»деган сўзни ишлатишмайди. Чиндан ҳам бу ерга эрталаб ёки кечқурун келасизми, навбат кутиб турган кишиларни учратмайсиз. Поликлиника ходимлари беморларга медицина хизмати кўрсатишда руйхатга олиш методидан воз кечишган. Кираверишда беморни навбатчи медицина ҳамшираси кутиб олади ва касалини суриштириб тегишли врач ёнига олиб келади. Старший медицина ҳамширалари ва навбатчи врачларнинг иш жойи — фойе ва коридорда. Шу ердаги стол стулларда бир йўла бир неча шифокор беморни кўздан кечиради. Эрталаб поликлиникага мурожаат қилганлар бир мунча кўпаяди. Шундай пайтда қабул қилувчи врачлар сони ҳам бир мунча оширилади.

Поликлиникада рўйхатга олиш ишлари тўбдан ўзгартирилди. Ленинград ва Рига шаҳар поликлиникаларининг тажрибаси асосида ишлашга ўтилди. Ҳар бир бемор амбулатория билетини тўлдириб ўзининг фамилияси, касали, турар жойини ёзиб қолдиради. Уни махсус кутига ташлаб кетса бас, врач уйга боради.

Оқтепадаги 28-поликлиникада катталар ва болалар бўлимлари бор. Врачлар, ҳамширалар хушмуомилалиги, камтарлиги, қолаберса касбини сидқидилдан севганлиги учун бу ерда шифо топаётганлардан раҳматномалар эшитишяпти. Поликлиниканинг 100 га яқин врачи ва 150 ўрта маълумотли медицина ходими 50 минг аҳолига намунали хизмат қилмоқда. Улар орасида катта тажриба орттирган, кекса медицина ходимлари бор. Ўзбекистон 40 йиллиги арафасида юбилейга совға тариқасида ишга туширилган бу поликлиника фақат Тошкентдагина эмас, балки Иттифоқда энг йирик даволаш профилактика муассасаларидан ҳисобланади. Бу ерда 50 та врач кабинети бор. Учта филиал ҳам меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Электрокардиография, гинекология, тиш қўйиш ва даволаш лабораториялари, физиотерапия, кўз кабинетлари совет ва чет эл медицина саноатининг энг яхши аппаратлари билан жиҳозланган.

Ўз касбининг жонкуярлари хирург В. Домрачев, терапевтлар В. Меркулова, Мирзараҳимов, Стригалеева, педиатр Атамесова, ҳамшира Х. Гизатуллиналар коллектив ҳурматини қозонишган.

Коллективда «Поликлиника шуҳрати —сенинг шуҳратинг» шиори ўртага ташланган. Айниқса, коммунист М. Самигжонов бошлиқ тиш даволаш бўлими ходимларининг ишлари мақтовга лойиқдир.

Поликлиника таклиф ва истаклар дафтарини варақлар экансиз, меҳрибон ва жонкуяр врачларга юрак сўзлари изҳор этилган сатрларни ўқийсиз. Мана, Оқтепа массивидаги 3-уйда яшовчи А. Қўчқорова нималарни ёзиб қолдирипти: «Поликлиника врачларининг ҳаммаси бири-биридан мулойим, меҳрибон. Бу ердан бутқул соғайиб кетар эканман, шифокорларга минг бор раҳматлар айтиб, улардан умрбод миннатдор бўлиб қоламан». Буниси С. Тўлагановнинг миннатдорчилиги. Ёнидагиси Р. Бобожоновнинг ташаккури, дафтарнинг қайси саҳифасини варақламанг, ҳамма-ҳаммаси шифокорлар меҳнатига берилган юксак баҳолар билан тўла.

М. МИРЗАЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Суратда: поликлиниканинг справкалар столи навбатчиси ҳамшира Л. Алексеева беморни дастлабки текширишдан ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ТОШКЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ТУНИС, 6 июнь. (ТАСС). Тунис пойтахти муниципал кенгашининг таклифига мувофиқ бу ерда меҳмон бўлиб турган Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов бошчилигидаги Тошкент шаҳар совети ижроия комитети делегацияси кеча ватанига учиб кетди.

Тунис аэродромида совет делегациясини Тунис шаҳрининг мэри Ҳасиб Бин Омар, Тунис жамоатчилигининг вакиллари самимий кузатиб қолдилар.

Совет делегациясининг аъзолари Тунисда етти кун бўлдилар ва Тунис пойтахти муниципал кенгашининг иши билан танишдилар, мамлакатнинг турли шаҳарларида бўлдилар, қишлоқ хўжалик ва бошқа кооперативларни бориб кўрдилар. Шунингдек Туниснинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Расмий кишилар ва оддий тунисликлар ҳамма жойда совет делегациясини қизғин ва очиқ кўнгиллилик билан кутиб олдилар.

Тунис пойтахтининг муниципал кенгаши Совет Ўзбекистони пойтахтига делегация юбориш тўғрисидаги Тошкент шаҳар совети делегациясининг таклифини қабул қилди.

Коммунистик матбуот ойлиги

Италияда коммунистик матбуот ойлиги бошланди. Италия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Марказий контроль комиссияси шу муносабат билан партияга ва мамлакат меҳнаткашларига хитобнома билан мурожаат қилдилар. Бу йил коммунистик матбуот фондига бир ярим миллиард лира тўплаш мўлжалланди. (ТАСС).

Санто-Домингода намойиш

Шанба куни Доминикана Республикасининг пойтахтида АҚШнинг қуролли интервенциясига қарши норозилик намойиши ўтказилди. Намойишда 10 минг киши қатнашди. Намойишчилар Доминикана Республикасининг муваққат президенти Франсиско Кааманьони: «Яшасин конституция!», «Янкилар, Доминикана Республикасидан туёғингизни шиқиллатиб қолинг!» деб хитоблар билан кутиб олдилар. Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири шу ой ичида Америкага қарши биринчи марта жуда катта намойиш ўтказилди, деб таъкидлайди.

(ТАСС).

МАДАНИЙ ВА ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА СОВЕТ — ПОКИСТОН БИТИМИ

КАРАЧИ, 5 июнь. (ТАСС). Бугун Покистон пойтахти — Равалпиндида СССР билан Покистон ислом Республикаси ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Бу битим маданият ва фан соҳасида тағин ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш йўли билан иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришга қаратилган.

Уч самолёт уриб туширилди

ХАНОЙ, 6 июнь. (ТАСС). Американинг реактив бомбардимончи — қирувчи самолётлари кеча бир неча группага бўлиниб, Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига ҳужум қилдилар ва Винь районидаги ҳамда Нге Ан ва Ха Тинь вилоятларидаги аҳоли яшайдиган пунктларни ваҳшиёна бомбардимон қилиб, ўққа тутдилар.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, 3 самолёт уриб туширилган ва кўп самолёт шикастлантирилган.

Америка империализмининг янги агрессив хуружи муносабати билан Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси Вьетнамдаги кузатиш ва контрол қилиш халқаро қомиссиясига кескин норозилик билдирди.

ҚАМОҚҚА ОЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бразилияда маданият арбобларини қамоққа олиш ва таъқиб этиш давом этмоқда. Матбуот Ресифе шаҳрида ёзувчи Нелсон Гато қамоққа олинганлигини хабар қилади. Ёзувчи Руфино Дос Сантосни ҳам қамоққа оламиз, деб таҳдид қилмоқдалар. Ёзувчилардан Маурисио Мартинс ва Педро Де Алкантара Фигейра ҳали ҳам зиндонда азоб чекиб ётибдилар.

(ТАСС).

НЕФТЬ ҚУВУРИ ПОРТЛАТИЛДИ

Венесуэладаги Барселона шаҳри (Ансоатеги штати) яқинида номаълум шахслар Американинг «Мене Гранде Ойл Компани» нефть монополиясига қарашли нефть қувурини портлатдилар. Нефть қувурида ёнғин чиқди. (ТАСС).

МУСТАМЛАКАЧИЛАР ЎЗ КУЧЛАРИНИ КЎПАЙТИРМОҚДАЛАР

Англиянинг уч ҳарбий кемаси Эрон кўрфази соҳилидаги Катар деган араб князлигига кўп миқдорда қурол-яроғ ва солдат келтирди. «Аттадиа» газетаси шу тўғрида хабар беради.

(ТАСС).



Германия Демократик Республикаси олимлари атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида катта тадқиқот ишлари олиб бораяптилар. Суратда Дрезден шаҳри яқинидаги Россендорф ядро тадқиқотлари Марказий институтининг реактори тасвирланган.

(ТАСС фотохроникаси).

ФУТБОЛ

Яна дуранг

ОДЕССА, 7 июнь. (ТАСС мухбири). Одессанинг Армия спорт клуби ва Тошкентнинг «Пахтакор» командалари ўтган йили бир группада мусобақалашиб, бир-бирларини яхши билганликлари учун матчни разведкасиз бошладилар.

10-минутда майдон эгаларининг чап қанот ҳужумчиси Е. Сатаев қулай имкониятдан тўпни тўғри рақиб дарвозабони қўлига тепди. Сўнгра ҳар иккала команда ҳужумчилари ҳисобни очиш имкониятига эга эдилар, бироқ қулай имкониятлардан фойдаланилмади. Танаффусдан кейин армиячилар кенг фронт бўйлаб ҳужум қилдилар, бироқ тўпни мўлжалга аниқ урмай муваффақиятга эриша олмадилар. Кейин эса ташаббус Тошкент футболчилари қўлига ўтди. 72-минутда Красницкийнинг кучли зарбасини дарвозабон Каракозов катта қийинчилик билан қайтариб қолди.

90 минут давомида ҳисоб очилмади. «Пахтакор» командаси учрашувни қуйидаги составда ўтказди: Пшеничников, Зокиров, Шарипов, Науменко, Суюнов, Мухин, Абдураимов (Любушин), Тожиров, Стадник, Красницкий, Мелкумов.

Чемпионнинг биринчи мағлубияти

Футбол бўйича ўтган йилги мамлакат чемпиони Тбилисининг «Динамо» командаси бу сафар мухлисларини ранжитиб қўйди. Грузин футболчилари 6 июнда ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командасидан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Чемпионнинг пойтахтдаги клубдошлари эса мавсумда биринчи ғалабани қўлга киритдилар. «Динамо» футболчилари Кутаисининг «Торпедо» командаси дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритдилар.

Пойтахтнинг бошқа командалари ҳам бу турда муваффақиятли қатнашди. «Торпедо» Донецкда «Шахтёр» футболчиларини 3:0 ҳисобида енгиб 10 очко билан пешқадам бўлиб олди. ЦСКА командаси Ростов армиячиларини 2:0 ҳисобида енгди. Худди шундай ҳисоб Бокуда ҳам қайд қилинди. «Нефтяник» «Черноморец»ни мағлубиятга учратди. Куйбишевда Андрей Биба киритган ягона тўп Киев футболчиларига икки очко келтирди. (ТАСС).

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О.
«Торпедо» М.	7	12—3	10
ЦСКА	7	8—2	10
«Динамо» К	7	9—4	10
«Спартак» М	7	10—5	9
«Динамо» Тб.	6	9—6	8
«Шахтёр»	7	9—9	8
«Динамо» Мн	6	7—3	7
«Зенит»	7	7—6	7
«Крылья Советов»	6	6—6	7
«Нефтяник»	7	6—6	7
СКА (Ростов)	7	5—7	6
«Динамо» М	7	4—6	5
«Черноморец»	7	8—10	5
«Пахтакор»	6	3—6	5
«Локомотив» М	6	5—7	4
СКА (Одесса)	6	1—11	2
«Торпедо» К	6	1—13	2

А. А. ТУМАНОВ

Шу йил 7 июнда 1926 йилдан буён КПСС аъзоси, отставкадаги милиция полковниги ўртоқ Александр Алексеевич **Туманов** оғир касалликдан сўнг 68 ёшида вафот этди.

Ўртоқ Туманов 1917 йили кўнгилли равишда Қизил Армия сафиги кирди, 1920 йилда эса милиция органларига ишга ўтди ва оддий милиционерликдан Тошкент область милиция бошқармасининг бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди.

А. А. Туманов ўзининг бутун жўшқин ҳаётини, ташкилотчилик қобилиятини жамоат тартибини сақлашдек олижаноб ишга бағишлади.

Самарали меҳнати ва жиноий жавобгарликка қарши актив курашганлиги учун у Ленин ордени, икки марта Қизил Байроқ, икки марта Қизил Юлдуз, икки марта Ҳурмат Белгиси орденлари ва Совет Иттифоқи медаллари билан тақдирланган.

Унинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 2900а, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь—34808. Пропаганда адабиёт ва санъат бўлимлари—31936. Партия гурмуши бўлими—26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маиатаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 03896. Индекс — 64969. Нашр. № 1777.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.25 — **Ялқов Влас** (болалар учун қўғирчоқ фильм), 18.35 — **Аҳил оила** (Октябрь революцияси номли заводдан репортаж), 18.55 — **Тирикларга мактуб** (бадиий фильм).

20.30—**Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар,** 20.50 — **Сиҳат-саломатлик** тележурнали, 21.40 — **Йўлдаги воқеа** (телевизион бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.30 — **Концерт** (болалар учун), 20.05 — **Тошкент янгиликлари,** 20.15 — **Индустрия рельсида, Иозеф Суден** (телеочерклар).

Рус тилида: 20.35 — **Алвастинотинч** (ҳужжатли фильм), 20.55 — **Оқшардан Москвагача** (телефильм), 21.30 — **Тошкент янгиликлари,** 21.40 — **Нестерка** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/VI да **Дилором.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 9/VI да **Уғил уйлантириш.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Чанғда қолган гул (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ ном. ли, «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Қайдасан ҳозир, Максим? — (ЎЗБЕКИСТОН» ((эрталаб соат 10 да).

Тўрғай — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Диққат! Шаҳарда сеҳргар! — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 9 яримда).

Капитан Грант болалари — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 яримда бошланади)

Чанғда қолган гул (1 ва 2-серия)— «ФЕСТИВАЛЬ» КАФАНОВ номли, «ВАТАН», НАВОИЙ номли.

Севги чоғи — ТЕЛЬМАН номли.

Кел, Мухтор! — «1 МАЙ».

Тирикларга мактуб — «УДАРНИК».

Темир ниқоб (1 ва 2-серия) — ПУШКИН номли.

Диссертация ёқлайдилар

1965 йил 17 июнь кундуз соат 1 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ҳузуридаги химия фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй).

М. Д. Абрамов — химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Микроэлементлар ва уларнинг ғўза органларида тақсимланиши» деган темада.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1965 йил 18 июнь кундуз соат 3 да, Тошкент халқ хўжалиги институти ҳузуридаги бирлашган илмий советда (Олмазор кўчаси, 183-уй) иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Л. Н. Пузанова: «Тожикистон озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг иқтисодий эффективлиги ва уни оширишнинг шарт-шароити» деган темада.

К. Йўлдошев: «XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-иқтисодий фикрнинг ривожланиш тарихидан» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 272-уй, 38-квартирада турувчи **Надежда Шариповна Тинеева**нинг Рустам Мажидович Тинеевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

Навоий кўчаси, 4-тупик, 11-уйда турувчи **Камил Абрарович Алимов**нинг Маноғ Уйғур кўчаси, 117-а уйда турувчи Гавҳур Қасимовна Алимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Прядильная кўчаси, 100-уйда турувчи **Динара Умарова**нинг Гавҳар кўчаси, 7-уйда турувчи Сиддиқ Мусаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Карл Маркс кўчаси, 4-тупик, 13-уйда турувчи **Александра Фёдоровна Мелихова**нинг Рисовая кўчаси, 198-уйда турувчи Николай Герасимович Мелиховдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, Навоий кўчаси, 28-уй.